ISSN 2181-371X
SJIF: 5.305 VOLUME 4 ISSUE 34
INNOVATIONS IN TECHNOLOGY AND SCIENCE EDUCATION

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УСТУВОРЛИКЛАРИ

Особенности и приоритеты социальной защиты населения
Specific features and priorities of social protection of the population

Дилмуродов Хуршидбек Баходир угли
Осиё халкаро университети таянч докторанти

Аннотация: *Мазкур мақолада Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг миллий хусусиятлари ва унинг устувор йўналишлари таҳлил қилиниб, мамлакатда ижтимоий ҳимоя механизмларини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ёритилган ва бу жараёнда ҳуқуқий-институционал асослар, маҳалла институтининг ўрни, рақамлаштириш жараёнлари ва халқаро ҳамкорлик аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган.*

Аннотация: *В данной статье проанализированы национальные особенности системы социальной защиты населения в Узбекистане и её приоритетные направления. Освещены реформы, осуществляемые в стране по совершенствованию механизмов социальной защиты, сокращению бедности и оказанию адресной помощи. Особое внимание уделено правовым и институциональным основам, роли института махалли, процессам цифровизации и значению международного сотрудничества.*

Abstract: *This article analyzes the national characteristics of the social protection system in Uzbekistan and its priority directions. It highlights the ongoing reforms aimed at improving social protection mechanisms, reducing poverty, and providing targeted assistance. Special attention is given to the legal and institutional foundations, the role of the mahalla institution, digitalization processes, and the importance of international cooperation.*

Калит сўзлар: *Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, манзилли ижтимоий ёрдам, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий хизматлар, ижтимоий сиёсат, маҳалла институти, электрон реестр, моддий ёрдам, ижтимоий адолат, рақамлаштириш, миллий хусусиятлар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”*

Ключевые слова: *социальная защита населения, адресная социальная помощь, сокращение бедности, социальные услуги, социальная политика, институт махалли, электронный реестр, материальная помощь, социальная*

справедливость, цифровизация, национальные особенности, «Железная тетрадь», «Женская тетрадь», «Молодежная тетрадь»

Keywords: *social protection of the population, targeted social assistance, poverty reduction, social services, social policy, mahalla institution, electronic registry, material support, social justice, digitalization, national characteristics, "Iron Notebook," "Women's Notebook," "Youth Notebook"*

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг миллий тизимини шакллантириш, уни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, жумладан, тизим қамров даражасини ошириш, унинг амал қилиш самарадорлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини ошириш, ижтимоий ҳимоя механизмларининг таъсирчанлигини таъминлаш, камбағаллик даражасини қисқартириш, ижтимоий таъминот, жумладан пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, ҳамда уларни тўлаш амалиётини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматларни сифатини ошириш ҳисобига аҳоли турмуш фаровонлиги даражасида ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг миллий тизимининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш учун мамлакатда амал қилаётган тизимнинг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил қилиш талаб этилади. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилишида фуқароларнинг тизим хизматларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари"[1] бўлимининг "Иқтисодий, ижтимоий маданий ва экологик ҳуқуқлар", ҳамда "Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари" бобларида келтириб ўтилган бўлиб, мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳуқуқларининг кафолати сифатида хизмат қилади.


Шу билан биргаликда, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солиниб, "Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг

ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди”[2] .

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилишида ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали уларни ижтимоий жиҳатдан муҳтожлигини олдини олиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий иқтисодий муносабатларни тартибга солишда “Ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ, давлатнинг ижтимоий хизматлар соҳсидаги сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:“аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларга ушбу хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш; ижтимоий хизматлар олувчиларнинг оила ва жамият билан алоқаларини сақлаш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш; ижтимоий хизматлар стандартларига риоя этилишини таъминлаш; ижтимоий шерикликни ривожлантириш”[3].

Шунингдек, амалдаги қонунчиликка кўра, “ижтимоий хизматлар шахснинг турмуши сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратишга ва (ёки) ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтож шахсга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи”[1] ҳисобланиб, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари иштирок этиб, улар фаолияти 1-расмда келтириб ўтилган тамойилларга асосланади.

3[1] Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрсида”ги ЎРҚ-415-сон Қонуни, 26.12.2016 й.



1-расм. Ўзбекистонда аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг тамойиллари[2]

Шунингдек, мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизми амал қилишида “фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш” [4] да ҳомийлик маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

[2] Муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

- Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, меҳнат билан бандлик ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш соҳасида асосий ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

- 2023 йилда ташкил этилиб, ижтимоий ёрдамни мувофиқлаштириш соҳасида фаолият юритади

Маҳаллий ҳокимликлар ва "дафтарлар" (Аёллар, Ёшлар ва Темир дафтарлари) тизими

- Ҳудудий даражада ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолини аниқлаш ва ижтимоий ёрдам механизмларини самарадорлигини таъминлаш

2-расм. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг институционал тузилмалари ва уларнинг функциялари[3]

Шу билан биргаликда, мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилишида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва “дафтарлар” тизими каби институционал тузилмалар фаолияти устувор аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими амал қилишини таъминлашда бош ичрочи орган сифатида фаолият юритиб, қуйидагиларни амалга ошириши талаб этилади:

“оилаларни камбағалликдан чиқариш индивидуал режаларининг тўғри, мақсадли, манзилли тузилганлиги ва натижадорлигини ҳамда энг оғир аҳволдаги маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилади;


индивидуал режаларнинг ижросини мувофиқлаштиради, зарур ҳолларда, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали самарали натижага эришилишини таъминлайди;

индивидуал режаларни амалга оширишда аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилади ҳамда тизимли муаммолар ечими бўйича таклифларни Республика комиссиясига киритади;

[3] Муаллиф томонидан тузилган

камбағал оилаларга ва энг оғир аҳволдаги маҳаллаларга бириктирилган ташкилотлар раҳбариятининг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилади”.

Мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими амал қилиши билан боғлиқ бўлган жиҳатларини тадқиқ этиш асосида унинг қуйидаги йўналишлардаги ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланди:



4-расм. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимниинг миллий хусусиятлари[4]

биринчи, миллий менталитет ва анъаналарга мослашган тизимнинг шаклланганлиги. Бунда ўзбек жамияти шаклланиш тарихига назар солсак, оила ва қўшничилик муносабатлари орқали ўзаро ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатларга асосланган анъаналар мавжуд эканлиги кўзга ташланади. Мамлакатда миллий ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришда бу турдаги маданий хислатлар инобатга олинган ҳолатда, маҳаллий институти орқали аҳолининг ижтимоий ҳолатини баҳолаш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилган. Бунда маҳалла фаоллари “Темир дафтар”[6] орқали уларда истиқомат қилаётган ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд оилаларни аниқлаб, уларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишга эришилинмоқда;

иккинчи, ижтимоий ҳимояга маҳаллий даражадаги манзилли ёндашувнинг амал қилиши. Бунда аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш умумий эмас, балки, мақсадли ва манзилли шаклда амалга оширилиши назарда тутилади. Бу орқали давлат томонидан аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишга ажратилаётган молиявий ресурсларни ижтимоий жиҳаатдан муҳтож аҳоли гуруҳларига тўғри етказиб

[4] Муаллиф томонидан тузилган

беришга эришилмоқда. Ушбу мақсадга эришишда ҳар бир туман кесимида “Аёллар дафтар” [7], “Ёшлар дафтари”[8] каби рўйхатлар шакллантирилиб, тегишли дастурлар доирасида уларни касбга ўқитиш, ишга жойлаштириш, кредит ва моддий ёрдам шаклида қўллаб-қувватлаш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда;

учинчи, ижтимоий ҳимояни рақамлаштириш. Сўнгги йилларда ижтимоий ёрдам механизмларини рақамлаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, бу орқали шаффофлик, самарадорлик ва коррупцион жараёнларни олдини олишга эришиб келинмоқда. Жумладан, “Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри”[9] ташкил этилиб, “Э-ижтимоий ёрдам” электрон платформаси орқали аҳолининг эҳтиёжмандлигини аниқлаш амалиётига ўтилган;

тўртинчи, манзилли ижтимоий ёрдам ва камбағалликка қарши курашиш мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими нафақат ижтимоий хавф-хатарларга қарши чоралар кўриш, балки камбағалликни камайтириш стратегиясини амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари мамлакат меҳнат бозори, таълим ва касб-ҳунар соҳалари билан ўзаро интеграциялашган бўлиб, аажтимоий ёрдам доимий тарзда эмас, балки ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини нормал ҳаёт тарзига қайтаргунга қадар узлуксиз давом эттирилиши талаб этилади;

бешинчи, глобал тажрибага интеграциялашган миллий моделни шакллантириш. Яъни, миллий аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шакллантиришда ҳукумат томонидан БМТ, Жаҳон банки, ЮНИСЕФ каби қатор глобал ташкилотлар билан ўзаро ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда, улар томонидан ишлаб чиқилгаан халқаро даражадаги тавсияларни миллий хусусиятлар билан ўзаро уйғунлаштиришга устуворлик қаратилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бозор иқтисодиёти талабларига, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб беради оладиган манзилли, мослашувчан, самарали ва кенг қамровли тизимини шакллантиришга қаратилганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023 й. https: //lex.uz/docs/6445145

2.Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрсида”ги 938-XII-сон Қонуни, 03.09.1993 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрсида”ги ЎРҚ-415-сон Қонуни, 26.12.2016 й.
4.Ўзбекистон Республикасининг “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-96-сон Қонуни, 02.05.2007 й
5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон қарори, 04.10.2024 й.
6·Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Темир дафтар” орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 313-сон қарори, 31.05.2024 й.
7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори, 31.03.2022 й.
8.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарори, 07.06.2022 й.
9.·Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 596-сон қарори, 10.11.2023 й